# АЁЛ — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни ҳам айтиш керакки, мана шундай тарихимизга ўзларининг ўчмас, умрбоқий изларини қолдирган аждодларимизнинг қадриятлари ва анъаналарини тиклаш, уни дунёга машҳур этиш Йўлбошчимизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилмоқда. Қаранг, куни кеча Президентимизнинг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди. Очиғи, бундай эътибор барчамизнинг дилларимизни мунаввар этди. Табиийки, бу саъй-ҳаракатлар тасодифий ҳодиса эмас. Зеро, толе халқ тақдирига буюк шахсларни битганидагина шундай қутлуғ жараён рўй берган. Буни асло инкор қилиб бўлмайди.

**— Тўппа-тўғри. Чунки бу тарихий ҳақиқат.**

— Албатта.

**— Шу ўринда яна бир савол. Барчага маълумки, жамиятимизда эркак ва аёл ҳуқуқлари тенг. Амалда шундай бўлса-да, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонунчилигимизда ўзининг мукаммал ифодасини топган деб ҳисоблайсизми?**

— Бўлмасам-чи! Бир эътибор беринг. Бугун аёлларимиз орасида юзлаб касб эгалари бор. Бугун олис қишлоқларда деҳқончилик қилаётган аёлдан тортиб, йирик бир корхонани бошқараётган раҳбар аёлгача, фарзандини қалб қўри билан тарбиялаб, унга халқини, Ватанини севишни ўргатаётган аёлдан тортиб, гўзал бинолар шакл-шамойилини чизаётган оддий меъмор аёлгача — ҳамма-ҳаммасининг юрагида фидойилик деган қутлуғ тушунча бор. Юртпарварлик деган азалий туйғу бор. Нега? Чунки уларнинг барча ҳуқуқлари қатор қонунларимизда аниқ ва равшан қилиб муҳрлаб қўйилган. Мана, мамлакатимиз Конституциясини олайлик. Унинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги айтилган бўлса, 46-моддада эса хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги ифода этилган. Бир қарашда ушбу икки моддадаги таъкидлов бир-бирига айнан ўхшаш кўринади. Аслида эса ундай эмас. Чунки 18-моддада фуқароларнинг жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги назарда тутилса, 46-модда эса аёлларнинг ҳамма соҳада эркаклар билан тенглиги ўрнатилганлигининг ҳуқуқий асосидир. Аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун эса давлат қўшимча кенг миқёсдаги тадбирларни амалга оширмоқда. Бу, бир томондан, аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унга ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратади. Иккинчи томондан эса, аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларга меҳнат қилиш ва соғлиғини сақлаш учун катта имтиёзларни очиб беради. Ва бу орқали аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўлиқ таъминланмоқда. Биласиз, оиладаги жуда кўп юмушларнинг асосий қисми аёллар зиммасига тушади. Шу сабабли, давлат аёллар билан эркакларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида уларни қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўрмоқда. Масалан, бундан бир йил муқаддам Оила кодексининг қабул қилиниши ҳам бу йўлда ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. У саккиз бўлим, ўттиз боб, 238 моддадан иборат бўлиб, олдинги — 1969 йилда қабул қилинган «Никоҳ ва оила» кодексидан тубдан фарқ қилади. Мазкур кодекснинг асосий вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, ўзаро муносабатларни муҳаббат, ишонч, ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашувига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишлари ва уни ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Шунингдек, унда оилавий муносабатларнинг тартибга солиш, эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонун устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

Мазкур кодекс оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, эр-хотиннинг шахсий, мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳнинг тугатилиши ва ҳақиқий эмаслиги, ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби бир қатор муҳим ҳуқуқий низоларни ижобий ҳал этиш учун замин бўлади. Бундан ташқари, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Уй-жой кодекси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятига тааллуқли кўплаб қонунларда ҳам аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари меъёрига етказиб ифода этилган.

Биласиз, ҳаёт ҳамиша бир маромда сокин турмайди. У шиддат билан ўзгариб, янгиланиб боради. Ўз навбатида қонунчилик ҳам унга ҳамоҳанг равишда ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Буларнинг ҳаммаси Ватанимиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар олдидаги обрўсини янада кўтаришга хизмат қилади.

**— Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. У аёлларимизга нима беради?**

— Биласизми, хотин-қизларнинг мақомини ошириш, уларнинг турмуш фаолиятини янада яхшилаш, амалга оширилаётган барча ислоҳотларда уларнинг иштирокини кучайтириш 1999 йил учун белгилаб олинган вазифаларнинг энг муҳимларидан ҳисобланади. Бу эса хотин-қизларнинг оилани шакллантиришдаги, навқирон ва баркамол авлодни тарбиялашдаги, давлат, жамоат ва маданий қурилишдаги юксак мавқеи ва улушининг эътирофи бўлиши билан бирга, уларнинг мамлакат истиқболини барпо этишдаги битмас-туганмас салоҳиятига берилган муносиб баҳодир. Қолаверса, жорий йилда амалга оширилаётган Давлат дастури хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги, ўтказилаётган бозор ислоҳотларидаги ҳамда жамиятимиз турмушининг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашдаги мақоми ва мавқеини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунининг кучга кириши эса ушбу вазифаларни амалга оширишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Негаки, у мамлакатимиз хотин-қизларининг аҳволини яхшилашнинг янги имкониятларини белгилаб беради. Мазкур Қонун Президентимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ тўғрисида»ги Қарорида назарда тутилган чора-тадбирлар мажмуининг мантиқий давомидир. Унда аёлларга қатор имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи кўрсатилган. Жумладан, қонун давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёлларга 54 ёшгача тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини беришни назарда тутади. Аммо аёлнинг ўз истаги бўлган тақдирдагина 54 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин. 54 ёшга тўлганлигини рўкач қилиб, иш берувчи томонидан аёлларни мажбуран ишдан четлатишга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳуқуқдан ҳар йили қарийб 77 минг аёл фойдаланиши мумкин. Бу эса пенсия фонди маблағларидан қарийб 3,5 миллиард сўм ажратилишини тақозо этади.

Қонун, шунингдек, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар учун иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланди. Бундай қоида, табиийки, хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштиради, меҳнат шароитини яхшилайди, болалари билан оилада кўпроқ бўлиш ва уларга эътибор бериш учун қўшимча имкониятлар яратади. Маълумотларга қараганда, бундай ҳуқуқдан республикамизда 272 минг аёл фойдаланиши мумкин. Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган ҳамда уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар учун иш вақтининг қисқартирилиши билан боғлиқ харажатлар 3,8 миллиард сўмни ташкил этади. Кўриб турганингиздек, ушбу тадбирлар миллиардлаб маблағларни ташкил этмоқда. Бу давлатимизнинг инсонпарварлиги ва аёлларимизнинг азиз билаётганлигининг ёрқин далилидир.

**— Сиз ҳозир Аёллар йили муносабати билан Давлат дастури ишлаб чиқилганлиги хусусида гапирдингиз. Айтингчи, унда қандай янги режаларни амалга ошириш кўзда тутилган?**

— Сизга маълумки, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан аёлларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини янада яхшилаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1999 йил — Аёллар йили

Очиғи, ушбу дастурда юртимизнинг барча хотин-қизларининг хоҳиш-истаклари ифодаланган. У етти бўлим, юзга яқин қилинажак ишлар мажмуидан иборат бўлиб, унга асосан, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишида, жамиятни демократик янгилашдаги ролини оширишнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилиши таъкидланади. Хусусан, унда аёлларнинг меҳнат қилишлари, мазмунли дам олишлари учун қулайликлар яратиш, турмуш маданиятини яхшилаш, айниқса, қишлоқларда истиқомат қилаётган опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш борасида кўплаб ишлар қилиниши назарда тутилган. Айниқса, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш учун муҳим тадбирлар белгиланган. Дастурда ўндан ортиқ дам олиш ва даволаш масканлари қайта таъмирланиб ишга туширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, унда хотин-қизлар учун қўшимча равишда юз минг ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида янги фабрикалар ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиши ҳам мўлжалланган. Ногирон, боқувчисини йўқотган аёлларга моддий ва маънавий жиҳатдан хайрия жамғармалари орқали ёрдамлашиш ҳам эътибордан четда қолмаган.

Бундан ташқари, ушбу дастурда аёлларимизнинг етук тимсоллари бўлган Нодирабегим, Гулбаданбегим, Гавҳаршодбегим каби онахонларимизнинг мукофотларини тавсия этиш ҳам кўрсатилган. Ҳозирда бу дастурнинг аксарият қисми бажарилди десам, муболаға бўлмайди.

**— Бўритош Аминовна, республикамиз аёлларининг ҳозирги ижтимоий, сиёсий ҳаётда тутган ўрни хусусида нималар дея оласиз?**

— Бу ҳақда жуда узоқ гапириш мумкин. Чунки бугун аёлга бўлган муносабат ўзгарди. Унга миллат таянчи сифатида қаралмоқда. Кўрсатилаётган эҳтиром чинакамига, юракдан чиқариб қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бугун ишбилармонлик, илму фан, медицина, маънавият ва маърифат билан шуғулланувчи аёллар сони кескин ошди. Бу ўз навбатида аёлларнинг банд этиш масаласини, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб ислоҳотларда иштирок этиш йўлларини очиб берди. Айни пайтда республикамиздаги «Оила», «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда «Ижтимоий фикр» илмий маркази фондлар ва бошқа кўплаб ташкилотлар фаолияти хотин-қизларимизнинг ишларини ҳар томонлама яхши йўлга қўйишга қаратилгандир. Бугун Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли идоралари, ўнлаб мамлакатларнинг аёллар ташкилотлари билан теппа-тенг ҳамкорлик қилмоқдалар. Айниқса, БМТнинг хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланувчи тегишли ташкилотлари билан алоқалари кучаймоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг сафларида ҳам хотин-қизларнинг тутган ўрни салмоқлидир. Уларнинг кўпчилиги жойлардаги партия ташкилотларига етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва барча даражадаги сайланувчи идораларга сайланганлар орасида ҳам аёллар катта ўринни эгаллайди. Демократик асосда ўтган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам хотин-қизлардан раисалар сайланди. Республикамизда аёллардан қанчадан-қанча олималар, фан номзодлари, жаҳонни лол қолдирган спортчилар, «Олтин юлдуз» соҳибалари, қуйингки, қайси жабҳани олманг, унда ўзининг мустаҳкам ўрни бор. Мустақиллик сабаб, аёлларимизнинг кўнгилларининг бир четида узоқ вақт армон бўлиб келган орзулари, қалб истаклари, айтолмаган ниятлари ўз рўёсини топди. Улар бахтли ва баркамол яшашни ўргандилар.

**— Яқинда Сиз бошчилигингиздаги бир гуруҳ Олий Мажлис депутатлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлдилар. Ушбу сафар таассуротлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Биз ушбу вилоятларда бўлиб, у ердаги кенг жамоатчилик ва меҳнаткашларнинг ҳаёти билан бевосита танишдик. Уларнинг давлатимизнинг бугунги ички ва ташқи сиёсати, катта миқёсдаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, келажак орзу-ниятларини учрашувлардаги самимий суҳбатларда эшитдик. Вилоятлар аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий, маданий, маиший ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва ютуқлари билан танишдик.

Аҳоли гавжум жойларда — бўлиб, оддий одамларнинг ислоҳотлар, қонунлар ижроси, таълим ва тарбия дастурлари, турмуш маданияти, ёшлар тарбияси, бизнес ва тижорат, аёлларга кўрсатилаётган ҳукумат миқёсидаги ғамхўрликлар, берилаётган енгиллик ҳамда имтиёзлар, социал адолатнинг изчил тарзда амал қилиши, тикланиш йўлидаги ютуқлар ва ўзига яраша қийинчиликлар ҳақида ранг-баранг мулоҳазалари, фикр-таклифларини ўргандик. Айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, эл-юртнинг ҳурматли ва нуроний отахонларию онахонлари билан бўлган учрашувлар ғоятда қизғин ва мунозарали тарзда ўтди.

Биз вилоятларнинг қаерида бўлмайлик, одамларнинг ўз мустақиллигини қадам-бақадам мустаҳкамлаётган мамлакат билан якдил эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бу якдиллик олиб борилаётган барча ишларда ва кишиларнинг муносабатларида, ҳозирги сиёсатга бераётган баҳоларида яққол билинар ва кўзга ташланарди. Энг муҳими, одамларда келажакка бўлган ишонч ва умид янада мустаҳкамланганлигининг гувоҳи бўлдик.

Очиғи, биз учун ислоҳотлар янада яхши самара бераётганлигини, йирик қўшма корхоналар ишга тушиб, маҳсулот ишлаб чиқариб, одамларнинг ҳаётига ҳам, уларнинг қарашларига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганлигини кўриш жуда мароқли эди.

Шундай катта миқёсдаги ўзгаришларнинг ижобатини кўриб турган халқимиз Ўзбекистонни дунёга олиб чиқаётган, танитаётган, дунё сиёсатига яқинлаштираётган, улуғ йўлларга бошлаётган Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатига юксак ишонч билдирмоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ ўзининг ўтиш давридаги қийинчиликларини ҳам яхши тасаввур қилган ҳолда, мулоҳаза юритаяпти, уларни енгиб ўтиш, ҳал қилиш йўлларини излаяпти. Табиий газ, ичимлик суви ҳақида, ғалла, пахта, озиқ-овқатлар ва бошқа фаровонлик кўрсаткичлари хусусида, шунингдек, ҳаёт шароитларини мустақил мамлакат миқёси ва даражасида яхшилаш ҳақида сўз борганда, халқ ўз кучи, меҳнати, ақлий қобилиятига ишонч билан қараётганлигини кузатдик.

Одамларда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларга, Президент Фармонларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорларига бўлган қизиқишлар, жамиятни юракдан ҳис этиш, англаш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, онгли фуқаро туйғусини ҳис этиш пайдо бўлаётганлигини, мустаҳкамланаётганлигини кўриб, қувонмай илож йўқ. Биз халқимизнинг меҳнат орқали ўз келажагини, иқболини топаётганлигини кўрдик. Ҳалол меҳнатда у ўзини танияпти, англаяпти, ўзига ишончи ортаяпти. Улар экстремизм, диний фанатизмни бир овоздан инкор этишаяпти, бу машъум ишларни бир ёқадан бош чиқариб, якдилликда лаънатлашаяпти.

Айниқса, жойларда сўзга чиққанлар февраль воқеаларини ҳамма жойда қаттиқ қоралашди, ёшларга нисбатан янада талабчанлик ва синчковлик кераклиги хусусида куюниб гапиришди. Барқарорлик, тинчлик-тотувликни ҳар томонлама ёқлашаётир. Халқ олиб борилаётган маънавий, маърифий, ақлий ва жисмоний тарбияга зўр умид билан қараяпти. Ўзининг ёруғ келажагини шуларда кўряпти.

**— Суҳбатимиз сўнггида газетамиз муштарийларига қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?**

— Юртимиз аёлларига, оналар ва опа-сингилларимизга Аёллар йилида ҳамма орзу-ниятларининг ушалишини, юртимиз осмони тинч, фарзандларимиз келажаги порлоқ, Ватанимиз мангу ва абадий бўлишини тилайман. Хотин-қизларимизнинг юзларидан доим нур сочилиб, чеҳраларидан табассум аримасин.

— Раҳмат.

**«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.**

---

Президент ташрифидан сўнг

# ҚУВВАТ ВА ИЛҲОМ БАҒИШЛАМОҚДА

*Ҳурматли Президентимиз Сурхондарёда бўлганларида Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" фермерлар уюшмасининг ғаллазорлари, пахтазорларини кўздан кечирдилар. Деҳқонлар, қишлоқ одамлари билан жойларда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани хусусида фикрлашдилар.*

Рўзибой Эшназаров олий маълумотли агроном. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати бўйича назоратчи, ўғит таъминоти идорасида амалдор, пахтачилик бўлимида зироатчи ва бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган одам.

— Билдимки, калхўз деганнинг поезди олдинга юрмайдигандай. Аксинча, орқага кетиб бошлагандай, — дейди Рўзибой. — Шунинг учун ўзим бошқариб турган бўлимни 1996 йилда фермер хўжалигига ўтказдик.

"Улуғбек-2" деб номланган бу хўжалик ёмон ишламаяпти. 250 гектар экин майдони бор. 155 одам Эшназаровнинг талабчанлигию тадбиркорлигини ҳурмат қилишади. Чунки ҳисоб-китобларга ва айниқса хўжалик манфаатига Рўзибой янглишмайди. Фермер жамоаси ўзининг "калхўз"дан афзаллигини кўрсатмоқда: техника воситалари бекаму кўст ишлаб турипти. Дала ишларининг мароми дуруст. Ҳисоб рақамларида етарлича пуллари бор. Ўзаро ҳурмат ва интизом жойида.

Лекин бу фермер хўжалигида ҳамма ишлар силлиқ кетаяпти, дегани эмас.

— Юртбошимиз юзимга бир қараб кўнглимдаги гапларни ўқиб олгандай бўлдилар. Нафақат мен, балки барча фермерларнинг, умуман бугунги деҳқончилигимизнинг ечимга муҳтож муаммоларини очиб ташладилар, — дейди фермер. — Аввало, одамларимизнинг турмуш шароитлари ҳақида, ойлик маошлари қанчадан тушаётгани, газ, сув таъминоти ҳақида қизиқдилар. Бу менда катта таассурот қолдирди.

Сўнг мен бу йил хўжалигимиз 80 гектар ерда "Юна", 40 гектар ерда "Полтавчанка" буғдой навларини экканимизни айтдим, — дейди Р. Эшназаров. — Буғдойнинг ер, иқлим шароитларимизга мос навлари ҳақида гап очилди. Биз деҳқонларга қайси навларни экишимиз лозимлигидан тортиб, экишни қачон бошлаб, қачон туғаллаш ҳақида юқори идоралар кўрсатма бериб туради. Деҳқоннинг ўз тажрибаларидан келиб чиқиб билдирадиган таклиф-мулоҳазалари ҳамиша ҳам ҳисобга олинавермайди. Масалан, Андижон вилоятидан келтирилган "Юна" бизнинг иссиқ иқлимимизга, тупроғимизга тўғри келмадими, ё уруғни нисбатан эрта (сентябрь ойида) экканимиз таъсир қилдими ёки бўлмасам агротехникаларда камчиликка йўл қўйдикми, бу йил буғдойимиз (вилоятимизда 80 фоиз майдонга "Юна" нави экилган) занг касалига чалинди. Бунинг таъсири энди, ғалвир сувдан кўтарилаётганда сезилмоқда. Масалан, биз даланинг ўзида ўстирган "Полтавчанка" навидан гектарига 40-45 центнердан (аслини олганда шу ҳосил ҳам кам ўзи) хирмон кўтараётган бўлсак, "Юна"нинг ҳосили, тўғриси, анча паст бўлмоқда.

Муаммо равшан: назорат ва талабчанлик керак. Лекин айни пайтда майдонига ва ҳосилга аввало деҳқон масъул эканлиги, унинг тажрибаси, ташаббуси унча-мунча аҳамият касб этишини ҳам инобатга олмоқ керак-ку.

Яна бир гап. Биз деҳқонлар ҳам топшириқ ва графикларга қараб ишлашга ўрганиб қолгандаймиз. Ҳамма жойда бўлгани каби биз томонларда ҳам агроном кўп. Яна уларнинг дипломларига "олим-агроном" деб ёзиб қўйилади. Бироқ ўша олим акаларнинг қани изланишлари, нав танлаш, нав яратиш билан шуғулланишлари қани?!

Қачонгача биз Канаданинг, Мексиканинг ё бўлмасам Украинанинг навларига кўз тикамиз. Уруғни четдан олиб келамиз. Бу масалаларга ҳурматли Президентимиз ўзларининг жиддий мулоҳазаларини билдирдилар. Бу эътирозлар жуда тўғри. Бозор иқтисодиёти, ислоҳотлар биз деҳқонлардан ишимизга ижодкорлик билан ёндошувни талаб қилади, ахир.

— Тилга олинган муаммолар фақат бизнинг хўжалигимизгагина тааллуқли эмас, — деб фермернинг гапини давом эттирди уюшма раиси, Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Қурбонов. — Масаланинг шу жиҳатига Юртбошимиз самимий ва куюнчаклик билан эътибор қаратдилар. Шунинг учун ҳам комил ишонч билан айтамизки, ҳурматли Президентимизнинг Сурхон воҳаси деҳқонлари билан қилган мулоқотлари бундан буён вилоятда иқтисодимизнинг муҳим тармоқларидан бири ғаллачиликни ривожлантиришда туб бурилиш ясайди. Воҳа ғаллакорларининг ва бошқа соҳа кишиларининг изланиш ва ташаббускорлик фаолиятларига битмас-туганмас қувват ва илҳом бағишлайди.

**О. УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

---







*Қизилтепа туманида аҳолига намунали сервис хизмати кўрсатиш, бандлик муаммосини ҳал этиш борасида яхши натижаларга эришилаяпти. Буни биргина «Зилола» жамоа корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона 1993 йилда собиқ маиший хизмат комбинати негизида ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида мавжуд цехлар кенгайтирилди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, табиийки, кўпгина янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда корхона жамоаси қишлоқ меҳнаткашларига ўнга яқин соҳалар бўйича сервис хизмати кўрсатмоқда. Ишчи-хизматчилар сони 60 кишидан 200 кишига етди. Қишлоқ жойларида корхонанинг бешта филиали фаолият кўрсатмоқда. «Зилола» — «Ташаббус-96» республика танловининг совриндоридир.*

**СУРАТЛАРДА: 1. Корхона ана шундай кўркам ва замонавий бинода жойлашган. 2. Чевар Нафиса Ражабова ўз ишининг усталаридан саналади. 3. Тикувчилик цехида.**

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

---

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Чимбойдаги Ш.Мусаев номли Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий текшириш институтида Оролбўйи қишлоқ хўжалиги мажмуи ходимларининг семинар-кенгаши бўлди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашувлар чоғида билдирган фикрлари, тавсиялари ва кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Оролбўйи барча аҳолиси мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Мавжуд 28 минг гектардаги буғдой ўрими авж паллага кирди. 145 минг гектар ердан 31О минг тонна пахта, салкам 8О минг гектар майдондан 3ОО минг тонна шоли йиғиштириб олиш мақсадида экинларни парваришлаш ўтган йилга нисбатан юқори сифат ва уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Дала меҳнаткашларига зарур маданий-маиший шароит яратиш яхшиланаётир. Деҳқонлар йил сайин янги, қудратли техникага эга бўлмоқда. Шу билан бирга, фан-техника янгиликларидан, илғорлар тажрибасидан самарали фойдаланишга етарли эътибор берилмаётир, деҳқонларни серҳосил ва иқлимбоп навлар билан таъминлаш масаласи изчил ҳал этилмаётир. Айрим жойларда меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш пайсалга солинмоқда.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов кенгашда сўзга чиқди.

Кенгашда Юртбошимизнинг тавсия ва кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича тадбирлар белгиланди.

**А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири**

---

**Ўзбекистон Ёшлар театрида Алишер Навоийнинг "Лисонут-тайр"асари асосида яратилган мимик томошанинг қайта ишланган қисми кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Маълумки, асар премьераси шу йилнинг 3О мартида бўлиб ўтган эди. Соҳа мутахассислари ва жамоатчилик фикрига асосан, унинг баъзи кўринишлари, хусусан, образлар талқини, ҳаракатлар дастури бир мунча бойитилди.**

# "ЛИСОНУТ-ТАЙР" ТАЛҚИНИ - САҲНАДА

**Спектакль театр мухлислари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мумтоз адабиётимизнинг ёрқин намунаси - "Лисонут-тайр" достони бутун мазмун-моҳияти билан ўзига хос асар сифатида барча бирдек тушуна оладиган саҳна асари кўринишига эга бўлди.**

**Асар тақдимотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев иштирок этди.**

**Ўктам ДЎСТЁР, ЎзА мухбири**

---

# ЁШ ОФИЦЕРЛАР ҚИСМЛАРГА ЙЎЛ ОЛДИ

Чирчиқ олий танк командирлари билим юртида битирувчиларни ҳарбий қисмларга кузатиш маросими бўлди. Мазкур ҳарбий билим даргоҳида мамлакатимиз мудофааси учун қатор ҳарбий мутахассис-офицерлар тайёрлаб бериш борасида талай тажриба тўпланган. Якунланган ўқув йилида ҳам ўнлаб курсантлар танкчи муҳандислик, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшини ҳамда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицерлик, шунингдек, чегарачилик мутахассислигини пухта эгалладилар.

Маросимда ўқув юрти битирувчи курсантларига тантанали равишда дипломлар топширилди. Сўзга чиққанлар ёш офицерларга мустақил ватанимизни муносиб ҳимоя қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги шарафли ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов иштирок этди.

**Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири**

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА

Қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ 1999 йил 22 июндан 26 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг команда-штаб машқлари ўтказилади.

Машқ давомида Мудофаа вазирлигининг Республика пойтахти хавфсизлигини, энг муҳим хўжалик объектлари коммуникацияларини қўриқлаш ва мудофаа қилишни таъминлаш, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Қуролли кучларни ислоҳ қилиш ва таркибини янгилаш доирасида қўшилмалар, қисмлар жанговар қобилиятини ошириш бўйича бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлиги масалаларини такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

**(ЎзА)**

---

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

1999 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш қўмитаси Навоий вилоятида жойлашган "Сардоба Парранда" акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли акциялар пакетини ишончли бошқарувга бериш бўйича танлов эълон қилади. Танлов қуйидаги шартлар асосида ўтказилади:

*1. Ишончли бошқарувчининг иш тажрибаси, яъни а/ акционерлик жамиятининг бошқарув органларида иштирок этганлиги; б/ хусусийлаштириш жараёнларида қатнашганлиги.*

*2. Ишончли бошқарувчи тайёрлаган бизнес режасининг белгиланган критерияларга мувофиқлиги, яъни а/ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши; б/ молия-хўжалик фаолиятини яхшилаши; в/ инвестицияларни жалб қилиши.*

*3. Ишончли бошқарувчининг жамият акцияларининг бозордаги ликвидлилигини ошириши.*

**Маълумот учун телефонлар: /371/ 139 22 50; 139 20 93.**

